



# Халқ сўзи

Ўзбекистон —  
келажаги  
буюк  
давлат

**Бу ҳақда Вазирлар Маҳкамаси ййғилишида гапирилган эди**

## ТЕР ТЎКМАСАНГ, ЕР ҲАМ БОҚМАЙДИ

Фермер хўжаликлари эндиликда бутун иқтисодийёт самардорлигини оширишга салмоқли таъсир кўрсата оладиган локомотивга айланмоқда. Мамлакатимизда бу соҳани ривожлантириш нафақат иқтисодий, балки ижтимоий тараққиётга ҳам қудратли омил бўлиши ҳеч кимга сир эмас.

### Фермер қашр этган қоида

— Ҳозирнинг таърибидан келиб чиқиб айтаманки, — дея гап бошлади Ховос туманидаги "Қамолитдин" фермер хўжалиги раҳбари Абдуразақ Хотамов, — ерга меҳр кўйиб, шижоат билан ишлаган ҳеч қачон кам бўлмайди. Яратганга беадад шукрурлар қиламан, шундай дорилмон кунларни кўриш насиб этди.

Ҳам ўғилларимнинг зиммасида. Фермер хўжалиги раҳбарининг гапига қараганда, ҳар қандай ҳолатда ҳам 500 тонна атрофида маҳаллий ўғит жамғарилган. Шу ўринда Абдуразақ ақанинг фаройиб иш усулларидан бири ҳақида. У қиш хўжалик аъзолари билан ҳовлима-ҳовли юриб, «Томорқа, молхона, отхонагизни тозалаб берайлик», дея мурожаат қилиб, шу йўсинда ўғит йиғар экан. Ҳатто беминнат хизматлари учун беш-олти сўм пул ҳам тўлар экан.

### Муаммолар гурдобуда

Мирзаобод нафақат вилоятда, балки республикада ер майдонларининг шўрланши даражаси бўйича олдинги ўринларда туради. Устига устак, 2002 йилга қадар раҳбарлик тизимларида кадрлар қўнимсизлиги авж олди. Бу одамлар руҳиятига таъсир қилмай қолмайди, албатта.

Этиборлиси, туманда республикамизда биринчилардан бўлиб жамоа ва ширкат хўжаликлари ўрнида фермер хўжаликлари ташкил этилди. Бундай илохотлар натижасида бугунга келиб, фермерларда ерга, мулкка бўлган муносабат кескин ўзгарди.

Гулистондан чиқиб, туман марказига йўл олarkanмиз, деярли шаҳарга туташ кетган галлароздаги ниҳолларни парваришлаган одамларга кўзимиз тушди. Маълум бўлишича, бу жойлар ва гуркираб ўсаётган майсалар "Топкир" фермер хўжалигига тегишли экан. Унинг раҳбари Қурбон Мавлоновни суҳбатга тортармиз.

— Ака, бу ерларнинг шўрхокка ўхшайди. Анча меҳнат қилган кўринмасиз. Ишқилиб, сарф-харажати-

гизга кўйиб қолмасмикансиз? У мийғида қулди-да: — Салкам қирқ йилдан бери чўлнинг тупроғини ялаб юрибмиз. 1965 йилда Фарғонанинг Бувайдасидан Сирдарёга кўчиб келганман. Шундан бун ҳаётим чўл ва чўликлар билан чамбарчас боғлиқ. Ернинг иси ҳам, унинг туси ҳам ёд бўлиб кетган...

Оқини, гапингизда жон бор. Бу ерда кўчанинг даврахт бўлиши қийин. Аммо боғбонлар тилида шундай гап ҳам бор: "Ақрабда совуқ урмас, охирабда ҳам урмас". Нафақат чўл шароитида, балки унумдор ерда ҳам эккан нов-ниҳолингга қарамасанг, ўтин ҳам бўлмайди. Деҳқончиликда баъзан таваккалчилик асқатади. Боғдорчиликда бу кўпма ўзини оқламайди. Сабаби — деҳқон нари борса бир йил ютқазди, боғбон эса йиллаб. Кўп ўйладим, охири бир тўхтамага келиб, икки йил аввал Қувага бориб, 2060 туп беҳи, хурмо, олма, қўқонгилос, ўрик кўчани олиб келиб ўтқаздим. Хайрият, меҳнатимга қўймадим. Ниҳолларнинг 90 фоизи тутиб кетди.

Халқнинг бир накли доимо қулоғим остида жарағлаб туради: "Бир йил тут эккан юз йил гаҳвар терар". Шунга амал қилиб, 5 гектар тўтзор барпо қилдим. Бундан ташқари, галла, пахта етиштирамиз. Даромадим мақтангудек бўлмасда, хижолатли ҳам эмас.

Фермер билан муаммолар хусусида гаплашмоқчи эдик, даврага бир кишининг кириб келиши туфайли гап узилди қолди. — Бу киши туманимизда кўча кўринган "Шўхрат" фермер хўжалиги раҳбари Абдумўмин Норбоев бўлди, — деб уни бизга таништирди. Сўнгра ҳамкасбига қарата: — Мухбир укамиз муаммолардан гапиринг, деб турганди. Мана энди биргаллашиб муаммоларни "дастурхон" қиламиз-да, Абдумўмин ака? — деди. — Гапирас, гапирасерамиз-да, — деди у ҳам. — Ука, биз, деҳқонлар ҳалол ишлаб, ҳалол даромад топишга интиламиз ва гапимизда ёлғон бўлмайди.

(Давоми 2-бетда).

### Ўзимизда ишлаб чиқарилган



## Трикотаж кийим-кечаклар

Улуғтўр туманидаги «SL текс» Ўзбекистон-Америка қўшма корхонасида йилга 200 тоннадан зиёд калавадан тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда. Булар асосан катталар, ўсмирлар ва болаларга аталган 25 турдаги трикотаж кийим-кечаклардир. Бу маҳсулотлар эса сифатли, рақобатбардош бўлгани учун харидорларга манзур бўлаётир. Уларнинг бир қисми хатто Туркия ва Литвага экспорт қилинмоқда.

СУРАТДА: илгор тўқувчи Шоирахон Зокирова. Тожиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

## Ригада ўзбек мактаби

Ўзбекистон Республикасининг Ригадаги элчихонасида «Нур» Латвия-Ўзбекистон жамияти ёшларининг яшанба мактаби очилди. Мактабнинг биринчи машғулоти Ўзбекистон элчиси Қобилжон Назаров ва «Нур» жамиятининг раиси Олим Абду-саидов ўтказди. Уларнинг фикрича, бундай мактаб ёш ватан-

дошларимизнинг ўз она тили, маданияти ва ўзбек халқи аъёнларининг унутмасликлари, уни ҳар томонлама ўрганишлари учун муҳим аҳамиятга эга. Латвияда Ўзбекистонда туғилиб ўсган жами мингдан зиёд фуқаро истикомат қилади ва улардан 300 га яқини ўзбеклардир. Яшанба мактабининг биринчи машғулоти Рига, Саласпилс, Огре, Елгава ва

«Жаҳон» АА.

## Пойтахтимизда

### Яқунлар сарҳисоб қилинди

Тошкент (ЎзА мухбири Ж.РАУПОВ). Ўзбекистон Товар ишлаб чиқарувчилар ва тadbиркорлар палатаси бошқарувининг кенгайтирилган мажлиси бўлиб ўтди. Унда 2003 йилдаги фаолият натижалари ва тadbиркорлик ҳаракатини янада ривожлантириш масалалари муҳокама этилди.

Мажлис катнашчилари Президент Ислам Каримовнинг Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасидан келиб чиқиб, Товар ишлаб чиқарувчилар ва тadbиркорлар палатаси олдида турган вазифаларни кўриб чиқдилар.

Мажлисда жорий йилдаги устувор йўналишларга алоҳида эътибор қаратилди. Таъкидландики, Президентимиз ташаббуси билан бошланган ва хусусий тadbиркорликнинг аҳамиятини оширишга қаратилган чора-тадбирларнинг амалга оширилиши ижобий ўзгаришларга олиб келди. Жорий йил январь ойининг бошидаги ҳолатга қўра, 263 мингдан ортиқ кичик бизнес ва хусусий тadbиркорлик субъекти рўйхатга олинди, бу эса 2002 йилдагидан 29,8 мингга кўп. Палата 309 мингдан зиёд аъзони бирлаштиради, шу жумладан, 100 мингдан ортиғи юридик ва 209 мингдан кўпи жисмоний шахслардир.

## Жойлардан хабарлар

Хозирга қадар мослаштирилган бинода фаолият кўрсатиб келган Намангандаги "26-Меҳрибонлик уйи" ақин ойлари ичида барча қулайликларга эга замонавий бинога кўчиб ўтди.

### «Меҳрибонлик уйи»га меҳрибонлик

Бу ерда тарбияланувчиларнинг ўқишлари, дам олишлари, спорт билан шуғулланишлари учун барча шароит яратилди. Энг муҳими, ушбу даргоҳда тарбияланувчиларни касб-хунарга йўналтирувчи тикувчилик ва дурадгорлик устaxonаси қурилиши ҳам қўзда тутилган. Шаҳарнинг «Оромгоҳ» даҳасида қурилажак ушбу иншоот учун 700 миллион сўм маблағ ажратилди.

К. НАЖМИДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

### Боксчиларимиз ғалабаси

Ўтган кун Германиянинг Любек шаҳрида икки хамюртимиз — Мухаммадқодир Абдуллаев ва Руслан Чагаев навбатдаги "жанг"ларини ўтказишди. Рейтинг жадалида (63,5 кг. вазн) 33-ўринда бораётган Мухаммадқодир венесуэлалик Ричард Рейнадан анча устун эканлигини исботлади. Сидней Олимпиадасида олтин медални кўлга киритган боксчимиз Ричарднинг оч-

колар бўйича сезиларли ортда қолди. Унинг муваффақияти ўта оғир вазни чарм кўлпоқ устали Русланни ҳам руҳлантириб юборди. Спортчимиз 21 боксчини мағлубиятга учратган тажрибали Седрик Филдсга қарши рингга чиқди. Барча раундларда рақибига қўра дадил ҳаракат қилган Руслан ҳам очколар бўйича ғалабага эришди.

Ўз мухбиримиз.

### Болалар спорт мажмуи

Бўз туманидаги «Озод» ширкат хўжалигида ҳашир йўли билан қурилган янги болалар спорт мажмуи фойдаланишга топширилди.

К. НИЗОМОВ, «Туркистон-пресс».

Мажлис иштирокчилари «Ташаббус-2004» танловини ўтказишнинг муҳокама этишди. Хозирги кунда танловнинг туман боксчилари бошланган, февраль ойининг учинчи ўн кунлигида ҳудудий боксчилар бўлиб ўтади. Республика боксчиси март ойининг иккинчи ярмига мўлжалланган.

### «Халқ сўзи» назоратида

«Каттакўрғон шахрининг шундоқ биқинида йярик сув ҳавзаси — Каттакўрғон сув омбори жойлашган, дейилган-ди газетамизда чоп этилган "Каттакўрғонда сув муаммоси?" сарлавхали мақолада (4 октябрь, 2003 йил). Шаҳарни учта катта канал кесиб ўтган... "Шаҳар сувга шу қадар сөрөб экан, гап нимада?" дейишингиз мумкин. Гап шундаки, шаҳарнинг чиқси каналидан юқорида жойлашган аҳоли бугунги кунда оқар сув тақчиллигидан, аникроғи, йўлдан каттик азият чекмоқда».

## Муаммо ҳал этилади

Мазкур мақола юзасидан Самарқанд вилояти Каттакўрғон шаҳар ҳокими Т.ХАМЕДОВ имзоси билан таърихиятга келган расмий жавобда эса шундай дейилди: «Ҳақиқатан ҳам, Р.Исломова номили, М.Раззоқов номили, А.Муминова номили, Н.Зокиров номили, "Навбахор" ҳамда "Ермачи" маҳаллаларида сув танқислиги сезилмоқда. Бу камчиликларни бартараф этиш мақсадида шаҳар "Сувқова" ишлаб чиқариш бошқармаси қатор чора-тадбирларни амалга оширди. Аввало, шаҳардаги ичимлик суви билан таъминловчи сув иншоотларида насослар таъмирланиб, уларнинг сони кўпайтирилди. Виляот ҳокимлиги томонидан ажратилган 10 миллион сўм маблағ ҳисобига "Каттакўрғон чорвачилик" жамоа хўжалиги ҳудудида қурилатган 180 метр чуқурликдаги артезиан кудуги учун насос, кабель ва бошқа ускуналар харид қилинди.

Шунингдек, шаҳардаги "Саховат", "Қурилиш маҳсулотлари" акционерлик жамиятлари, темир йўл станцияси, "Каттакўрғон" жамоа хўжалигида мавжуд артезиан кудуқлари таъмирланиб, аҳолининг ичимлик сувига бўлган эҳтиёжи яхшиланди. Р.Исломова ва М.Раззоқов номили маҳаллаларни оқова сув билан таъминлаш мақсадида "Қурилиш маҳсулотлари" акционерлик жамиятига тегишли насос ёрдамида қириш каналидан сув чиқарилди. Натижада аҳолининг оқова су-

### Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОЙИШИ

## 2004-2008 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш дастурини тайёрлаш чора-тадбирлари тўғрисида

Умумий таълим мактаблари моддий-техника базаси ҳолатини танқидий баҳолаш ҳамда 2004-2008 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш дастурини ишлаб чиқиш мақсадида:

1. Умумий таълим мактаблари моддий-техника базасининг ҳолатини ўрганиш ҳамда 2004-2008 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш дастурини ишлаб чиқиш бўйича Махсус комиссия тузилсин.
2. Республика минтақаларида умумий таълим мактаблари моддий-техника базасининг ҳолатини танқидий ва батафсил ўрганиб чиқиш учун ишчи гуруҳлар тузилсин.
3. Махсус комиссия ва ишчи гуруҳлар умумий таълим мактабларини: а) капитал реконструкциялаш; б) капитал таъмирлаш; в) жорий таъмирлаш талаб қилинадиган мактаблар жумласига кириштириш мезонларини аниқ белгиласинлар; д) умумий таълим мактаби паспортини ишлаб чиқсинлар, унинг асосида мактабнинг моддий-техника базаси ҳолатига, ичимлик сув ва иссиқлик билан таъминланиш даражасига, санитария шохобчаларининг ҳолатига, шунингдек, ошхоналар, спорт заллари ва майдончалар билан таъминланиш даражасига танқидий баҳо бериш мумкин бўлади. Текшириш ва баҳо бериш натижалари бўйича мактабларни алоҳида:

ёрлаш, қайта тайёрлаш ва малақасини оширишни ташкил қилиш тизимини, мактабларнинг олий маълумотли ўқитувчилар билан таъминланиш даражасини танқидий таҳлил қилсин. Ўқитувчилар меҳнатини кадрлаш ва рағбатлантириш, айниқса, уларнинг қишлоқ мактабларида муқим жойлашиб қолиши масалаларига алоҳида эътибор қаратилсин.

4. Республика минтақаларидаги умумий таълим мактаблари моддий-техника базасининг ҳолатини ўрганиш бўйича ишчи гуруҳлар бир ой муддатда: Махсус комиссия томонидан ишлаб чиқилган саволнома ва мактабнинг бир хил типдаги паспорт асосида жойларга бориб барча мактабларни тўлиқ рўйхатдан ўтказсин, уларни паспортлаштириб, хулоса тайёрласин; рўйхатдан ўтказиш материалларини танқидий таҳлил ва тақлифлар билан бирга умумлаштириш учун Махсус комиссияга тақдим қилсин.

5. Махсус комиссия (Ш.Мирзиёев) тегишли вазирликлар, идоралар, жамоат ташкилотлари иштирокида 2004 йилнинг 1 майга қадар муддатда Кадрлар тайёрлаш миллий дастури билан уйғунлаштирилган ҳолда 2004-2008 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш дастурини ишлаб чиқсин ва тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

Дастурда минтақалар, айниқса, қишлоқ жойларда йилма-йил қуйидаги бешта бўлимлар бўйича аниқ чора-тадбирлар комплекси қўзда тутилсин: — мактаблар, шу жумладан, бориш қийин бўлган минтақалар ва қишлоқларда жойлашган мактабларнинг биноларини капитал реконструкциялаш, капитал ҳамда жорий таъмирлашнинг манзиллари аниқ кўрсатилган дастурларини ишлаб чиққан ҳолда, умумий таълим мактабларининг моддий-техника базасини ривожлантириш;


— мактабларни ўқув ва лаборатория ускуналари, компьютер техникаси, дарсликлар ва ўқув-услубий материаллар билан таъминлаш; — таълим тизимида қўлланялаётган ўқув стандартлари ва ўқув дастурларини таксимллаштириш; — умумий таълим мактаблари педагог кадрларни тай-

(Давоми 2-бетда).









Тил қадри — эл қадри

Бундан кўп йиллар муқаддам йўлбошчимиз Исмоил Каримов зиёлилар билан бўлган учрашувларнинг бирида шундай деган эдилар: «20 қаватли бинонинг ер юзида мустаҳкам туриши учун, ер остида ҳам унинг 20 қаватли пойдевори бўлиши керак».

Тил устида нафақат ижодкорлар, нафақат тилшунослар, ҳар бир оила жиддийроқ ўйлаб кўриш, ишлашга ўтишни тақозо қилаёпти бугунги тараққиёт жараёнлари.

Бугун Навоий тилини жуда кам, санокли одамлар билади. Бу ҳолатни, ҳеч бўлмаганда, ўз илди-ларимизга, боболаримизга оқибатсизлик деб баҳолаш мумкин. Мана шу йўл кўйилган хатолардан қутилиш учун ҳам бугун ҳаракатга келишимиз, ўз қадим тилимизни ўрганиш чора-тадбирларини кидиришимизга тўғри келади. Акс ҳолда, Навоий ҳазратларининг ўз авлодларидан хавотирлари ҳақ бўлиб чиқади:

«... Андин сўнграким, турк тилининг жомеъати мунча далоил била собит бўлди, керак эрдиким, бу халқ орасидин пайдо бўлган таъби ахли салохияти ва таъблари ўз тиллари тургач, ўзга тил била зоҳир қилмаса эрди ва ишга буюрмасалар эрди».

Халқимизда: «Ёшлиқда олинган илм — тошга босилган тамгадай» деган ҳикमत бор. Мен мана шу маънода мактабларда Навоий ҳазратларини ўз тилида ўқитишнинг тарафдориман. Мутахассислар бор-ку. (Аммо улар ҳам камайиб бораётганини эътибордан қочирмаслик керак). Бу, менинг назаримда, Навоий тилини халқимиз онига синдиришнинг энг самарали усулларидан бири бўлади, деб ўйлайман.

Халима ХУДОЙБЕРДИЕВА, Ўзбекистон халқ шоири.

Ҳазратнинг хавотири

Минг шукур, бизнинг келиб чиқшимиз, асосимиз, пойдеворимиз мустаҳкам. Мозий томон йўлга тушадиган бўлсанг, борган сари бу йўлнинг ривожланиб, манзиллари чаргонлашиб боришини кузатсан. Булар бизнинг мозийдаги маънавий бўлоқларининг қайнар бўлоқлигидан эмасми?

Бу бизнинг миллатимизнинг миллат бўлиши учун асосий тилимиз, сўзимиз бўлоқларининг қайнар бўлоқлигидан эмасми?

Йилларнинг, носамий қарашларнинг чанг-тупроқлари, тўзонлари босган бу бўлоқларнинг кўзларини очиб фурсати мустақиллигимиз билан бирга келди. Миллатимизнинг жаҳонни ҳайратга солган зиё чашмаларидан бири Сулаймон Боқирғоний ҳазратлари шундай дейдилар:

Қалбнинг қайнок қозонидан Қизгин қонлар сочгайман. Икки дунё асорини Бир сўз ила очгайман.

Мана шу «икки дунё» асорини бир сўз билан очадиган пурҳикмат боболаримизнинг кўнгил қувватлари, кўнгил кенгликларига қириб боролмаслик, уларнинг аслиятларини тушунамаслик ёки чала тушуниш... биз учун гуноҳдир.

«Учмоққа қанот йўк, вале учгаймен», — дейдилар Жалолиддин Румий ҳазратлари. Жаннатмакон ажодларимиздан мана шундай руҳда қанот пайдо қиладиган илоҳий сатрлар қолган эканки, мана шу манбада биз бугун ўзимизни маънавий қудратли ҳис қиламиз. Аммо барибир 70-100 йиллаб мумкин олиб борилган — аслиятдан йир-қоқлаштириш сиёсати ўз таъсирини ўтказмай қолмади. Халқимиз ўз маънавий бўлоқларидан узоклаб кетди.

Тўғри, биз бугун жаҳонга чиқишимиз керак. Бунинг учун хоржий тилларни чуқур ўрганишимиз зарур ҳаётий эҳтиёжга айланган. Аммо бу ўз тилимиз, ўз аслиятимиздан узоклашиб ҳисобига бўлмаслиги керак.

Ҳар бир Сўзини маҳкам, дарахдай ушлаб Силкитгин, ҳар бир Сўз берсин садо, ун. Кўқартир, кўқартир тишингда тишлаб, Тилни асрамоқ ҳам муаммо бугун.

Бу сатрларни ўн беш йил олдин ёзган эдим. Бугун ҳар бир сўзини эмас, ўзимизни ҳар бир соҳ таламиздан то тирноғимиз қадар силкитмоғимиз, ҳушёр тортоғимиз керакка ўхшайди.

Нега биз бугун гоҳо инглиз ё бошқа хоржий тилларда бейойндай тиллашамиз-да, Навоий тили, бобойкалонимизнинг тилига тушунамиз ёки чала тушунамиз?

Болаларимизга хоржий тилларни ўқитиш, ўргатиш учун муаллимлар, репетиторлар ёллаймиз, йўл қидирамиз. Бу — яхши. Аммо нега уларнинг баъзан ўз она тилларида аранг гапираётганлари, тугилаётган, фикрларини етказиб беришда қийнаётганларидан хавотирга тушмай-миз?! Унинг бу ҳолатидан хижолат ҳам тортмай-миз?

**Танловга марҳамат!**

Ҳар йили 21 мартда Миср Араб Республикасида анъанавий «Оналар байрами» бўлиб ўтади.

Шу муносабат билан бу йил Миср Араб Республикасининг мамлакатимиздаги элчихонаси Фан ва таълим маркази Ўзбекистонда «НАМУНАЛИ ОНА» танловини ўтказди.

Танловда Тошкент шаҳри ва пойтахт вилоятда истиқомат қилувчи, 50 ёшдан ошган, фарзандлари эл-юрт қорига ярабган барча оналар иштирок этиши мумкин.

**ТАНЛОВ ШАРТЛАРИ**

Танловда иштирок этадиган ҳар бир она ўзи, оиласи, фарзандлари, фарзанд тарбиясидаги тажрибалари ҳақида тўлиқ ҳикоя қилувчи ланҳаларни шу йилнинг 5 мартгача танлов ҳайъатига тақдим этишлари лозим.

Танловда ғолиб бўлган ўн нафар онага жорий йилнинг 26 март кунин тантанали равишда қимматбаҳо совғалар тоширилади.

Танловга барча оналар таклиф этилади.

Хатлар куйидаги манзилга шахсан топширилиши шарт: Тошкент шаҳри, Х.Раҳмонов (собиқ «Софийский») кўчаси, 34-уй, Миср маданият маркази. Мўлжал: Покистон элчихонаси. Қўшимча маълумотлар учун телефонлар: 144-25-70, 148-16-20.

**«ХАЛҚ СЎЗИ»га**

**ЭЪЛОНЛАР** қабул қилинади.

9.00 дан 18.00 гача

136-09-25  
132-10-63

242-хона

**Пулларни қўриқламай, уйда қандай сақлаш мумкин?**

Пулларни уйда хотиржам сақлаш учун уларни American Express чекларига конвертациялаш кифоя.

Сизнинг имзоингиз қўйилган чекдан фақат ўзингиз фойдаланишингиз мумкин. Йўқотиб ёки ўтириқлаб қўйсангиз, сизнинг чекларингиз эмитент томонидан тикланиши (одатда 24 соат мобайнида) мумкин.

American Express — халқаро молия корпорациясидир. У 150 йилдан ортиқ вақтдан буён мавжуд бўлиб, ҳар бир чекни ва ҳар йили муомалада бўладиган 300 миллион чекни таъминлайди.

Одамлар узоқ вақт мобайнида пулларини уйда ёки саёҳат пайтида сақлаш учун American Express йўл чекларидан фойдаланадилар. American Express чекларида пулларни сақлаш қулай.

Улар бутун дунёдаги миллионлаб молия ва кредит муассасаларида қабул қилинади.

**Ўзбекистондан ташқарига йўл чекларини олиб чиқиб кетиш чекланмаган.**

Турли номиналдаги American Express йўл чекларини Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг энг яқиндаги бўлимидан харид қилиш мумкин.

**Диққат! Америка экспресснинг янги чеклари воситачилик ҳақисиз сотилмоқда.**

American Express чеклари — ўзингизнинг нақд пулларингиздир.  
www.amex.ru

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ**

Қўшимча маълумотлар учун «Ўзмиллийбанк»нинг исталган бўлим/филиалига мурожаат қилинг.

Мулоқот учун телефонлар: 135-40-60, 134-12-09. www.nbu.com  
Тиклаш хизмати телефони: (095) 956-08-29.

**« АБИТУРИЕНТ — 2004! »**

Олий ўқув юрларида таълим олишни хоҳлаган ёшларни тест-имтиҳон синовларига тайёрлаш мақсадида **КИМЁ, МАТЕМАТИКА, ФИЗИКА, ОНА ТИЛИ ВА АДАБИЁТ ФАНЛАРИДАН** **ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИДА** ташкил этилган тайёрлов курсларига таклиф қиламиз.

Тайёрлов курслари юридик шахслар (ишлаб чиқариш корхонаси, идора, корпорация, акционерлар жамоаси ва ҳоказо) бююртмаси асосида уч томонлама ёки жисмоний шахслар билан икки томонлама тузилган пуллик шартнома асосида амалга оширилади (тўлов микдори ва тартиблари шартномада кўрсатилади). Кимё, математика, физика, она тили ва адабиёт фанларидан машғулотлар институтнинг юқори малакали профессор-ўқитувчилари томонидан чуқурлаштирилган дастурлар асосида ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.

Ўзбекистоннинг, ховлигиз дизайнни яқна тартибда ишлаб беради. Каталог бўйича бююртмангиз етказиб берилади.

Ўзбекистон бўйича етказиб ва йиғиб бериш — БЕПУЛ. Тушланиш ва дам олиш кўниси ишлайми.

Мақоли: Тошкент ш., Кўчкее к. (собиқ, Сабирай), 46-уй.  
Мўлжал — Миробод бозори.  
Тел.: 111-14-44, 152-75-94.  
e-mail: maksima\_@globalnet.uz

Товарлар сертификатланган.

**ДИҚҚАТ! СУПЕР-АКЦИЯ!**

**UzbeLeasing International AO** **ВА** **PFAFF SINGER**

тикув ишлаб чиқаришини ташкил қилиш бўйича энг яхши лойиҳа учун **ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.**

Ғолиблар лизинг бўйича қиймати 10 миллион сўмдан 200 миллион сўмгача бўлган тикув ускуналарини имтиёзли шартлар асосида харид қилиш имкониятига эга бўладилар.

**Иштирокчиларга бўлган талаблар:**

- юридик шахс (давлат улуши 25 фоиздан ортиқ бўлмаслиги);
- ишлаб чиқариш биносининг мавжудлиги;
- бизнес-режа;
- камида 1 йиллик иш фаолияти;
- компания фаолияти ҳақида маълумот;
- бошланғич тўловларга маблағ мавжудлиги.

**Ғолиблар учун PFAFF SINGER гаров кафолати таъминотини ва лизинг бўйича фоиз тўловларининг 50 фоизини ўз зиммасига олади.**

Бу тadbирдан кўзланган мақсад — маҳаллий тadbиркорларга замонавий тикув ишлаб чиқаришини ташкил этиш ва йўлга қўйиш йўли билан Ўзбекистон иқтисодиёти ривожига ҳисса қўиши.

Қўшимча маълумот учун куйидаги телефонлар орқали мурожаат қилиш мумкин: 133-89-99, 132-11-14.

**MAKSIMA МЕБЕЛЬ САЛОНИ**

Италия, Испания, Польша, Германиядан келтирилган мебеллар, ёриткичлар, қандиллар, идиш-товуқ, расмлар, кўрпа-ёстиқ анжомлари ва санъат маҳсулотларини таклиф этади.

**MAKSIMA АРТ-ДИЗАЙН-СТУДИЯСИ**

хондонингиз, ховлигиз дизайнни яқна тартибда ишлаб беради. Каталог бўйича бююртмангиз етказиб берилади.

Ўзбекистон бўйича етказиб ва йиғиб бериш — БЕПУЛ. Тушланиш ва дам олиш кўниси ишлайми.

Мақоли: Тошкент ш., Кўчкее к. (собиқ, Сабирай), 46-уй.  
Мўлжал — Миробод бозори.  
Тел.: 111-14-44, 152-75-94.  
e-mail: maksima\_@globalnet.uz

Товарлар сертификатланган.

**O'ZSANOATQURILISHBANK**

Кўллари танишади — муносибларни танлашади!

Ўзбекистон Телерадиокомпанияси республика радиоси жамоаси кўп йиллар диктор бўлиб ишлаган

**Инобатхон ая ЮСУПОВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор этади.

Абдулла Қодирий номидаги Тошкент давлат маданият институти ректорати «Информатика ва техника воситалари» кафедраси мудири, профессор М. Еқубовага турмуш ўрғон.

Абдувалик **ЕҚУБОВ**нинг вафоти муносабати билан таъзия изҳор этади.

«Физика-Кўёш» ИИЧБнинг Физика-техника институти жамоаси катта илмий ходим, физика-математика фанлари номзоиди **Ғайбулла НУРҚУЗНЕВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оиласи ва дўст-биродарларига чуқур таъзия изҳор қилади.

ОТБ Урта махсус, касб-хунар таълимини ривожлантириш лойиҳаси жамоаси миллий эксперт Виктор Анаварович Шариповга волидаси

**Нина ШАРИПОВА**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

**Халқ сўзи**

**Народное слово**

МУАССИСАЛАР:

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир **Аббосхон УСМОНОВ**

Тахрир хайъати: Э. Болиев (масъул котиб — «Халқ сўзи»), П. Дюгай, Ш. Жабборов (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), Л. Кучеренко (масъул котиб — «Народное слово»), М. Мираллимов, С. Муҳиддинов, Ш. Ризаев, А. Саидов (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), М. Сафаров, И. Утбосаров, А. Хайдаров, Ҳ. Ҳошимов.

ТЕЛЕФОНЛАР:

Газетхоналар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;  
Котибият 133-10-28; Эълолар 136-09-25.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан руҳхатга олинган.

Буюртма Ғ — 374 33013 нуқсала босилди, ҳажми — 2 тираж. Офсет усулида босилган.

Кўчкее билими А-2

Газета IBM компьютерда терилди ва оператор **Жамшед ТОҒАЕВ** томонидан саҳифаланди.

Тахрирда ҳажми 5 қоғоздан зийд материаллар қабул қилинмайди.

1) Тиражот материал

● **МАНЗИЛИМИЗ:** 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи котиб — А. Орпнов.

Навбатчи муҳаррир — И. Утбосаров.

Навбатчи — М. Нормуродова.

Муасхона — М. Сулаймонова.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Босишга тошириш вақти — 21.00 Тоширилади — 21.30 1 2 3 4 5 6